

даврга (бошланғич 1-10 кун, ўсиш 11-24 кун ва якуний 25 кун ва ундан юқори) ёки 2 даврга бошланғич (1-4 ҳафталик) ва якуний (5 ҳафта ва ундан юқори) даврга бўлинади.

Юқорида қайд этилган 5-6 ҳафтада етилувчи бройлерларни ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини қўллаган паррандачилик хўжаликлари юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бройлерларни гўшт учун етиштиришда 6 ҳафталик ёшида тирик вазни 2,4—2,7 кг, озуқа конверсияси (1 кг парранда тирик вазни етиштириш учун сарфланадиган озуқа миқдори) эса 1,4—1,8 кг ва сақланиши кўрсаткичи 97 фоизга етади.

**Хулоса.** Юқоридаги келтирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлилидан айтиш мумкинки, Ўзбекистон шароитида Кобб-500 кроссига мансуб бройлер жўжаларини гўшт учун етиштириш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Агеечкин, А.П. Промышленное птицеводство /А.П.Агеечкин, Ф.Ф.Алексеев, А.В.Аралов и др.// Под общ.ред. В.И. Фисинина.- Сергиев Посад.-2010.- 600с.

2. Гуцин, В.В. Современные проблемы птицеперерабатывающей отрасли и пути их решения / В. В. Гуцин // Птица и птицепродукты. -2006. - №6. -С. 7-10.

3. Романова, Т. В. Современное состояние производства и реализации мяса бройлеров в странах мира / Т. В. Романова // Вестник науки. – 2022. – Т. 4. – № 10(55). – С. 33–45.

4. Фисинин, В. И. Промышленное птицеводство: стратегия развития /В. И. Фисинин // Агрорынок. -2006. -Апрель. -С. 6-10.

5. Чарыев Аннабайрам Бяшимович. Селекционные, технологические методы и приемы эффективного производства мяса бройлеров Диссертация на соискание ученой степени доктора сельскохозяйственных наук Уфа-2017. с.270.

## **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОРАҚЎЛЧИЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ХОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Турганбаев Р.У., Глеумуратов А.К.**


Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Бугунги кунда дунёнинг 40 дан зиёдроқ мамлакатларида қорақўл қўйлар урчитилиб, уларнинг сони 18 млн. бошни ташкил этади. Қорақўл қўй зотининг жуда юқори яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусияти сабабли, улар урчитилаётган мамлакатларнинг экстремал яйлов шароитидан рационал фойдаланиш ва бу худудларда яшаётган аҳолининг ижтимоий ва моддий аҳволини яхшилаш имкониятини беради.

Республикамизда ҳозирги кунда қорақўл қўйларини урчитиш ҳамда қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада сур рангли қорақўл қўйларининг ирсий хусусиятларидан фойдаланиб қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш пировардида тармоқда рентабелликга эришилмоқда.

Қорақалпоғистон республикасида жами қорақўл қўйлари бош сони 77 000 бошни ташкил қилса, шундан 10 000 бош Қорақалпоқ типига мансуб сур қўйларига тўғри келади.

2019 йили ноябрь ойидаги Давлат Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифидаги таклифига асосан Қорақалпоғистон республикасининг Тахтақўпир тумани “Мулк” қорақўлчиликка ихтисослаштирилган хўжалиги ҳудудида жойлашган «Қорақўлчилик-илмий наслчилик тажриба станцияси» ташкил топди. (раҳбари: Шарап Акаев).



**1 расм. Қорақўл қўйларининг жойлашиш ҳудудлари.**

Бугунги кунда марказда 1500 бошдан зиёдроқ Қорақалпоқ типига мансуб сур ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон республикаси президентининг 09.02.2021 йилдаги Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4984-сонли қарорида вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда қорақўлчилик тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ўзбек қорақўли брендини яратиш ва дунё миқёсида тарғиб қилиш, соҳанинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



**2-расм. Наслчилик тажриба станцияси ва насли қоракўл қўчқорлари.**

**Муаммолар.** Қоракўлчиликда қўйлар бош сонини ошириш тери ва жунини масулотларини қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, тармоққа ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ва инновацион технологияларни жорий этиш, сув билан таъминланмаган яйловларда янги сув иншоотларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш борасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бугунги кунда республикада жами 535 та тик ва шахтали қудуқлар мавжуд бўлиб, шундан 127 таси таъмирталаб аҳволда.

**Қоракўлчилик соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар ва уларнинг ечимлари.**

Шубҳасиз Орол, денгизи фожиаси ҳудудда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Аммо, бу омилдан ташқари қатор салбий омиллар мавжудки, уларни бартараф қилиш имкониялари мавжуд ва чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай салбий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Наслчилик ишларининг йўлга қўйилмаганлиги. Чорвачиликнинг самарадорлигини оширишда насли ва сермахсул ҳайвонларни урчитиш муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд чорва ҳайвонлари маҳаллий зотга мансуб ва ушбу шароитда ўсишга яхши мослашган бўлсада, уларнинг генетик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмай келинмоқда. Сермахсул линиялардан кенг фойдаланиш зотнинг маҳсулдорлигини ошириш имконини беради. Умуман, хўжаликда наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш ва уни наслчилик хўжалигига айлантириш хўжалик иқтисодининг ривожлантиришига катта туртки бўлиши мумкин. Биринчидан, наслчилик хўжалиklarининг солиқ олдидаги имтиёзларидан фойдаланиладиган бўлса, иккинчидан, чорва маҳсулдорлигини кескин ошириш ҳисобига, наслдор буқалар сотиш ҳисобига иқтисод янада юксалади.

Зооветеринария хизматининг сустлиги. Ҳудудда олий тоифали ветеринария мутахассислари етишмаслиги ва фаолияти йўлга қўйилмаганлиги. Шундай экан, турли хавфли касалликларнинг

тарқалишининг олдини олиш кафолатланмаган. Чорва хайвонларини касалликларга қарши эмлаш ишлари суи даражада.

**Озуқа етиштиришнинг интенсиф усулларининг жорий қилинмаганлиги.** Қўйлар бош сонини сақлаш, маҳсулдорлигини оширишда озуқабоп ўсимликларнинг тарқалишини кўпайтириш яъни уларни сунъий экишни ташкиллаштириш, уларни озиклантириш, яйловларда қўйлар сурувлари соғломлигини таъминлашда ҳамда яйловларда ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларни кўриш, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, яйлов ўсимликлари экотизимини сақлаш билан яйловлар инқирозининг олдини олишдан иборат.

**Истиқболлари.** Истиқболдаги соҳа олимлари ва мутахассислар олдидаги асосий мақсад ва вазифалар шундан иборатки, ушбу бош сони камайиб бораётган қорақалпоқ сур қўйларининг генотипини сақлаб қолиш, бош сонини ошириш (камида 1,5 минг бош), “Гомоген” жуфтлашни қўллаган ҳолда, антиқа сур терилар ассортиментини ошириш, экспортбоп терилар нархини 120 \$ америка долларига етказиш, барқарор экспортбоп тери берувчи қўйлар “Насл ўзаги” шакллантириш, тажриба натижалари бўйича олинган насли кўчқорларни бошқа фермер ва кластер хўжалиқларига реализация қилишга амалий ёрдам кўрсатиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

**Истиқболдаги режаларни амалга ошириш механизмлари.** Экспертбоп терилар улушини ошириш мақсадида селекция ишларида «Гомоген» жуфтлашни йўлга қўйиш, сунъий уруғлантиришни амалга ошириш, яйлов ҳосилдорлигини оширишда галофит ўсимликлар уруғчилигини ташкил қилиш, артезиан кудуқлар казиш ва таъмирлаш, маҳсулотни қайта ишлаш бўйича кичик мини корхоналар ташкиллаштириш.

**Хулоса.** Биз қоракўлчилик соҳасига эътибор қаратишда элита+1-синф қўзилар улуши 85%-га етказилади, экспорт ҳажми 25-30 %-га ошади, Республика валюта фондига 1-йилга камида 150 000 \$-га қўшилади, маълум даражада иш бандлиги таъминланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон республикаси президентининг 09.02.2021 йилдаги Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4984-сонли қарори.

2. Ахметшиев А.С. “Селекционные генетические основы создания племенного стада каракульских овец каракалпакского сура в Казахстане”. Дисс. докт. с/х наук. Алма-Ата, 1989, С.285.

3. Сатторов С.Б. ва бошқалар “Сур қоракўл кўчқорлар авлодида гулларнинг айрим хусусиятлари” «Chorvachilik va naslchilik ishi» jurnali №2 (19) 2021-yil 23-24 betlar

4. Турганбаев Р. У. «Продуктивные и биологические особенности овец сур каракалпакского породного типа оригинальных расцветок урюк-гуль и камар» Автореферат Диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. – Ташкент – 1993, с.23.